



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ ЁШ ФАОЛЛАРИ ТОШКЕНТДА ВАРАҚАЛАР ТАРҚАТДИ



ЎХХ тарқатган хабарга кўра, “варақаларда учта мавзу: ре-жимга муҳолифатда бўлган Фаоллар – Фуад Шокирий ва Обидхон Назаровга қилинган суиқасд ортида Ўзбекистон хавфсизлик кучлари тургани ҳақидаги маълумотнома, Мустақиллик учун курашган шахслар яъни, Мустақилликнинг ҳақиқий қаҳрамонлари” ҳақидаги мақолалар ўрин олган, ва ҳаммаси бўлиб 600 дона варақа баланд қаватли уйлар ичи ва йўлакларига ташлаб кетилган.

Ҳаракат варақаларнинг бор-йўғи 600 нусхада тарқатилишини “репрессив режим имконият бермаётган ва шаҳар кўчаларини кечаю-кундуз” кўриқлаётгани билан изоҳлаган.

Шу йил баҳорида ЎХХнинг “Чўлпон” номли ёшлар қаноти фаоллари Тошкентнинг Юнусобод маҳалласида жойлашган “Мегапланет” тижорат маркази ўнгидан автомобил ва таксиларнинг ойналарига ҳаракатнинг “Эркин юрт” газетасининг навбатдаги сонини ёпиштириб кетган эдилар.

Ўзбекистон Халқ ҳаракати Муассислар мажлиси аъзоси Муҳаммадсолиҳ Обутов бу ҳақда Озодлик радиоси билан суҳбатда варақа мазмунини ва уни тарқатиш жараёни ҳақида сўзлаб берди:

М.Обутов: “Чўлпон” ёшлар гуруҳимизнинг бир-икки аъзолари қўлга олиниб, қамоққа ташланганидан кейин варақа тарқатиш маълум муддат тўхтатилган эди. Лекин ЎХХни яна бир неча гуруҳи бор. Улар катта-катта шаҳарларда яна тайёргарлик кўришяпти. Турли хил варақалар ва дисклар вақти-вақти билан тарқатилади.

Озодлик: 600дан ортиқ нусхада тарқатилди, дейилган варақаларда нима дейилган?

М.Обутов: Бу ерда, асосан, Обидхон қори Назаровга, Фуад Шокировга қилинган суиқасдларнинг ортида Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати тургани, режимнинг мана шунақа бир ғайриинсоний хусусиятлари ўзбек халқига тушинтириляпти. Ўзимизнинг сайтимизда чиққан мақолалар бериб бориляпти.

Озодлик: Бу билан Ўзбекистон Халқ ҳаракати нимага эришмоқчи, қандай мақсадларни кўзлаган?

М.Обутов: Аслида бу ҳар қандай эркин мамлакатда муҳолифат бемалол ҳақ оладиган иш. Бизнинг бу ҳаракатларимиз Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид эмас. Биз фақат режимга қаршимиз ва режимнинг жиноятларини фош этяпмиз. Биргина Ўзбекистонда эмас, ҳозир Россиядаги меҳнат муҳожирилари орасида ҳам шундай варақалар ва дисклар тарқатиляпти ҳамда бу фаолиятимиз давом этади.

ЎХХ хабар маркази

Ф.ХУДОЙҚУЛОВ: ОТАНГИЗ ҚАТОРИ ОДАММАН...

Аслида пастлар билан торти-шишни ёмон кўраман, аммо мажбур килсангиз ундан ҳам қочмаймиз. Чунки, акси тақдирда, сиз андишанинг отини кўрқоқ кўясиз.

(Давоми: 2-Саҳифада)

ШВЕЦИЯ СУДИ ТАКИЛАНТ ҲИСОБ РАҚАМИНИ МУЗЛАТДИ

Швеция суди TeliaSonera ширкатидан пора олганликда гумонланаётган Takilant компанияси банк ҳисоб рақамларини музлатиш қарорини маъқуллади ва унда ўзбекистонлик икки фуқарони “пул ювганлик”да гумонлаш учун барча асослар борлигини билдирди, дея хабар тарқатди Озодлик радиоси.

(Давоми: 3-Саҳифада)

СУД «CARLSBERG UZBEKISTAN»НИНГ КАССАЦИЯ ШИКОЯТИНИ РАД ЭТДИ

Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди 16 октябрь куни Carlsberg Uzbekistan (UzCarlsberg) МЧЖ хусусий корхонасининг республика солиқ органларининг даъво аризалари ҳамда молиявий санкциялари бўйича кассация шикоятини қондиришдан бош тортди, дея хабар беради РИА Новости суд вакилига таянган ҳолда.

(Давоми: 3-Саҳифада)

ЗУЛҲИЖЖА ОЙНИНГ ИЛК ЎН КУНИ ФАЗИЛАТЛАРИ

«Тонгга қасам, (Зул-ҳижжа ойидаги аввалги)ўн кечага қасам» (Вал-фажр: 1, 2). Ибн Аббос розияллоху анхумо ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳеч қайси кунда қилинган солиҳ амал ушбу ўн кунда қилинган солиҳ амалчалик Аллоҳга суюкли эмас», дедилар.

(Давоми: 4-Саҳифада)

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РОССИЯГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ ТУЗМОҚЧИ (2)

И.Каримов кучишлар тизимларга ўзбек муҳолифатини, айниқса ёш муҳолиф коалиция – Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)ни ичдан бузиш ва парчалаш вазифасини топширди.

(10-Саҳифада ўқинг)



Ф.ХУДОЙҚУЛОВ: ОТАНГИЗ ҚАТОРИ ОДАММАН...

*“Ғийбатчининг миши-мишидан
ранжиманг асло,
Нима бўлса асли наслида бўлган,
Онасин қорнидан ўзи ҳам ҳатто,
Турли миши-миши билан
дунёга келган”.*
Шерали Жўраев

Эсимда, 1980-йиллар. Свердловскдаги Урал Давлат Университетида талабаман. Кундузи ишлаймиз, кечкурун ўқиймиз, киш, совуқ... Кўпинча ишдан кейин дарсга бориш ёкмайди. Осмонга қарасам, яна қор ташлайдиган важохати бор. “Ҳа, бугун дарсга ҳеч ким келмаса керак”, деб ўйлайман ва кўнглимни хотир-жам қилиб уйга жўнайман.

Эртаси кун маълум бўладики, мендан бошқа ҳамма келган...

Абдирахумбойнинг ҳам шунақа одаги бор экан, уникини ҳатто ПАСТАЛИК КОМПЛЕКСИ десак тўғрироқ бўлади:

Атрофига қараб, “Ҳамма менга ўхшаган ҳаромий бўлса керак”, деб ўйлайди ва ҳаммани ўзидай кўриб саннайверади.

Йўқ, Абдирахумбой, атрофда сиздан бошқа ҳаромий йўқ, ҳаммага тўғри оти билан мурожаат қилаверинг. Сиз ўшанақа бўлсангиз, ишонингки, менинг ҳеч алоқам йўқ...

Худоба шукур, бизнинг отамиз маълум, онамиз маълум, аждодимиз маълум...

Аслида пастлар билан тортишишни ёмон кўраман, аммо мажбур қилсангиз ундан ҳам қочмаймиз. Чунки, акси тақдирда, сиз андишанинг отини кўрқок кўясиз.

Ушбу ёзувларни ўқийдиган Инсонлардан эса, бу оғзи шалок ва нопок кимсага нисбатан ишлатадиган сўзларим туфайли узр сўрайман, мажбур бўлганимиздан ёзаётганимизни

тушунишларидан умид қиламан...

Абдирахумбой, биласизки, ёш бўлсам ҳам, аслида мен сизнинг маънавий ва сиёсий отангиз қаторидаман, сизни кўлингиздан тутиб ҳаракатга мен олиб келганман, раис қилиб сайлайлик деб ҳаммани кўндирган ҳам менман. Кўлингизга низом ва дастур тутқизиб қўйган ҳам мен бўламан. Йўқса, ҳалигача институтда майда агентча бўлиб юрармидингиз, академикларнинг устидан Масковга “Бу одам миллатчи” деб хуфя ёзиб (Раҳматли Восил Қобилов бу ҳақда шахсан айтганлар)...

Отангиз қатори деган бўлсак, бу шундай билинсин. Хулқингизни шунга кўра тўғрилай олинг, муомалани шунга кўра қилинг.

Энди хоинлик ва ватанпарварлик ҳақида:

Сиз бугун миллатпарвар ва халқпарвар бўлиб қолдингизми? Нима бўлди, туянинг думи қум чиздим, ёки, “катта хўжайин”ларингиз ташлаб, устингиздан сув тўкворидимиз?

Эссиз, “хизматларингиз” кадр топмабди.

Ахир сиз эмасмидингиз, “Мени раисликдан олаптилар” деб гуруҳбозлик қилиб Бирликни бўлиб ташлаган? (Миллатпарвар ва халқпарвар одам, майли, мени лойик кўрмаган бўлсанглар, лойик одам сайлансин деган бўлмасиди??)

Ахир сиз эмасмидингиз, КГБнинг “ГРУППА ПОДДЕРЖКИ” деган 60 яшар, 15-20 та ҳаракатга алоқаси йўқ хотинларини мажлисларга олиб келиб, шаллакилик билан йиғилишларни бузиб юборган?

Ахир сиз эмасмидингиз, бизни “Булар миллатчилик қилаяпти” мажлисга КГБ раҳбарлигида тузил-

ган ИНТЕРСОЮЗ деган шовинистик ташкилотдан одамлар келтириб жанжал қилдирган?

Ахир сиз эмасмидингиз, мени компартиядан ўчираптилар деб қарши пикет қилдирган ва Бирликчиларни мелисага калтақлаттирган? (Ўзинг компартияга қарши бўлсанг, ўчирса хурсанд бўлмайсанми дейдиган одам йўқ...)

Ахир, сиз эмасмисиз, 20 йилдан бери на Миллатга, на Халққа фойдаси тегадиган бирор иш қилмай, фақат фиску-фасод билан шуғулланган??

Битта одамга бу қадар ифлослик кўп эмасми? Сиз қайси халқнинг “парвари”сиз?? Орден беришмаганига хайронман...

Хуллас, сизга маслаҳатим: Ўзингизга хос хислатларни бошқа одамлар ҳақида ёзма. Жуда чидай олмасангиз, балконга чиқинг ва тўйиб нафас олинг. Кейин кўлингизни бигиз қилиб, жаҳд билан олдинга чўзинг. Ва 180 даража буринг. Сўнгра бор кучингиз билан “Хоин! Ҳаромий!” деб бақиринг.

Кўрасиз, ҳамма қарсақ чалади. Машҳур бўлиб кетасиз...

Фахриддин Худойқулов

<http://yangidunyo.com/>

Изоҳ ўрнида: Пулатовнинг мағзаваси шу саҳифага алоқадор бўлгани учун ҳам айнан шу ерда жавоб бериш лозим кўрилди.

Ўзбекистонда, расмий маълумотларга кўра, 3,35 миллион тонна пахта териб олингани айтилмоқда. Ҳосилнинг 90 фоизи олий навли пахтадир.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг бу ҳақдаги баёноти ҳамда унинг пахтакорларга йўллаган табриги 20 октабр куни расмий матбуотда эълон қилинди.

Каримов пахтакорларни эришган зафарлари билан қутлар экан, бу йил пахта ҳосилдорлиги ўртача 26,5 центнерни ташкил этиб, 5 йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,6 центнерга ошгани, етиштирилган ҳосилнинг ёғин-сочинли қунларга қолдирмасдан, ғоят қисқа муддатда — 35 иш кунинида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юксак сифат билан юқори сортларга топширилганини таъкидлади.

ПАХТА ҚУЛЛИГИ 3,35 МИЛЛИОН ТОННА

Ўтган йили Ўзбекистонда пахта ҳосили 3,5 миллион тоннани ташкил этган эди. Жаҳон бозорида пахта нархи ошгани туфайли Ўзбекистоннинг бу йил пахта экспортидан кўпроқ даромад кўриши кутиляпти.

Дунёнинг энг йирик пахта етиштирувчиларидан ҳисобланган Ўзбекистонда ҳар йили 3 миллион тоннадан зиёд пахта ҳосили олинади, 1 миллион тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқарилади. Пахтадан келган даромад 1 миллиард 365 миллион долларни ташкил этган.

Ўзбекистоннинг асосий харидорлари Хитой, Бангладеш, Эрон, Покистон ва Россиядир. Ғарбнинг етакчи тўқимачилик



корхоналари Ўзбекистонда пахта етиштиришда болалар меҳнатидан фойдаланиши боис бу мамлакат пахтасига бойкот эълон қилган.

Бу йил Ўзбекистонда ҳар йилдагидан фарқли ўрта мактаблар ёпилмади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги матбуот хизмати мамлакатда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари учун қаттиқ жазоланишини маълум қилганди.

Швеция суди TeliaSonera ширкатидан пора олганликда гумонланаётган Takilant компанияси банк ҳисоб рақамларини музлатиш қарорини маъқуллади ва унда ўзбекистонлик икки фуқарони “пул ювганлик”да гумонлаш учун барча асослар борлигини билдирди, дея хабар тарқатди Озодлик радиоси.



ШВЕЦИЯ СУДИ ТАКИЛАНТ ҲИСОБ РАҚАМИНИ МУЗЛАТДИ

Душанба куни Швеция суди Гибралтарда рўйхатга олинган Takilant ширкати икки вакили Гаяне Авакян ва Алишер Эргашевнинг “пул ювганликда айбдор” дея тахмин қилиш учун ўзида барча асослар борлигини маълум қилди. Айни пайтда суд бу ишга оид тафсилотларни очикламаётир.

Швеция суди томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Гаяне Авакян ва Алишер Эргашевнинг адвокатлари ўз мижозларига қўйилаётган айбловларни инкор қилгани ҳам қайд этилади.

Суд, агар Takilant ширкатининг Nordea банкидаги ҳисоб рақамлари музлатилмайдиган бўлса, бу икковлон пулларни олиб чиқиб кетиши

мумкинлигини билдирди ва мазкур ширкатга қарашли 30 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағни музлатиб қўйиш бўйича прокуратура қарорини тасдиқлади.

Швеция прокуратураси август ойида швед телевидениеси Takilant Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага алоқадорлиги ҳақида кўрсатув намойиш қилганидан сўнг 2007 йилда мазкур ширкат ва TeliaSonera ўртасида лицензия олди-соттиси юзасидан дастлабки текширувларни бошлаганди.

Текширув бошланиши биланок прокуратура ходимлари Takilant вакиллари порахўрлик ва пул ювишга алоқадорликда гумонланаётганини асос қилиб олган ҳолда, суддан

ширкатнинг 1,5 миллиард крон миқдоридаги маблағини музлатиб қўйишни сўраган, аммо швед суди порахўрлик билан боғлиқ ишларни кўриш салоҳиятига эга эмаслигини билдирганди.

TeliaSonera Ўзбекистонда 3G мобил телефон алоқа хизматини йўлга қўйиш учун рухсат олиш эвазига Гибралтарда қайд қилинган Takilant Ltd ширкатига жами 320 миллион доллар пул ўтказгани айтилади.

Қисман Швеция давлати қарашли бўлган TeliaSonera бу пулларни пора ўларок берганликка оид айбловларни инкор қилиб келмоқда. Ширкат Ўзбекистонда 3G-лицензиясини сотиб олишда ноқонуний бирор иш содир этилмаганини даъво қилган ва 2,3 миллиард кронлик (тақрибан 344 миллион долларлик) бу битимни текшириш учун мустақил аудиторларни жалб қилган. Mannheim Swartling юридик фирмаси томонидан олиб борилаётган текширувлар натижаси шу йил охирида чиқиши кутилмоқда.

TeliaSonera бош директори Ларс Нюберг ширкатга нисбатан илгари сурилаётган айбловлар тасдиқланган тақдирда, истеъфо беришни билдирган.

ЎХХ хабар маркази



СУД «CARLSBERG UZBEKISTAN»НИНГ КАССАЦИЯ ШИКОЯТИНИ РАД ЭТДИ

Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди 16 октябрь куни Carlsberg Uzbekistan (UzCarlsberg) МЧЖ хусусий корхонасининг республика солиқ органларининг даъво аризалари ҳамда молиявий санкциялари бўйича кассация шикоятини қондиришдан бош тортди, дея хабар беради РИА Новости суд вакилига таянган ҳолда.

“Қуйи суд инстанцияларининг қарори ўз кучида қолдирилди, суд компания фойдасига келтирилган янги далилларни кўрмади”, – дея изоҳ берди манба.

У тақдим этган маълумотга кўра, Carlsberg Group компаниясига 100% қарашли Carlsberg Uzbekistan солиқ тўлашдан бўйин товлашда ҳамда умумий қиймати тўққиз миллиард сўмлик (расмий курс бўйича \$4,6 млн) ҳисобга киритилмаган маҳсулотларни сотишда айбланган.

Солиқ органларининг маълум-

мотига кўра, 2008-2010 йилларда компания ҳисобга олинмаган хом ашёдан 16,6 гектолитр пиво ишлаб чиқариб яширин равишда сотган. Солиқ органлари Carlsberg Uzbekistan компаниясига фойда солигини тўлашга ҳамда бюджетга қатор тўловларни ўтказиш мажбуриятини юклди. Тошкент шаҳар ҳўжалик суди август ойида солиқ органларининг талабини қўллади ва шундан кейин Carlsberg Uzbekistan томонидан берилган апелляция шикоятини рад этди.

Carlsberg Uzbekistan ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида 2012 йилнинг 13 август куни пайдо бўлди. Бироқ компания бошидаги нохушликлар бир йил аввал бошланганди: 2011 йилда Carlsberg Uzbekistan асосий воситалари қадрсизлантирилди. Бундай процедура корхона олдида деярли ҳеч қандай ривожланиш истиқболлари қолмаганида амалга оширилади. Бундай қадрсизлашнинг асосий сабаби сифатида бозордаги қийинчиликлар, заиф (ёмон) ҳисобот, яъни ёмон кўрсаткичлар ва даромад борасидаги ёмон про-

гнозлар кўрсатилди.

2011 йилнинг ўрталаридан бошлаб корхонада Ўзбекистон прокуратураси органлари иштирокида комплекс молиявий-ҳўжалик текшируви ўтказилди. Ушбу текширувнинг натижалари эълон қилингани йўқ.

2012 йил март ойида корхона маҳсулот қуйишни тўхтатди ҳамда ишчи-ҳодимларини сентябргача таътилга чиқариб юборди. Бугунги кунга келиб корхонада пиво ишлаб чиқариш бошлангани йўқ.

Олдинроқ Carlsberg Group қатор инвесторлар билан Ўзбекистондаги компаниясини сотиш тўғрисида музокара ўтказаетгани ҳақида хабар берилганди. Музокаралар дастлабки босқичда.

Carlsberg Group ўзбекистонлик шериги Sarbast Plus фирмасидан улушини сотиб олди ва корхонадаги улушини 100 фоизга етказди. Бугунги кунга келиб инвесторнинг лойиҳага ётқизган инвестицияларнинг умумий ҳажми 100 миллион доллардан ошган.

UzCarlsberg етти хил пиво ва алкогосиз “Хлебный край” квас ичимлигини ишлаб чиқарган.

Алхамду лиллах, вас-солату вас-саламу ала расулиллах. Аммо баъд...

Муборак кунлар ва фазилатли соатлар яқинлашмоқда. Бу кунларда амалларнинг савоблари бир неча баробар ортик бўлади, уларда даражалар кўтарилади. Бу кунлар Зул-ҳижжа ойининг дастлабки ўн кунлиги бўлиб, Аллоҳ таоло уларнинг шаънини улуғлаш ва аҳамиятини кўрсатиб бериш учун алоҳида тилган олган:

«Тонгга қасам, (Зул-ҳижжа ойидаги аввалги)ўн кечага қасам» (Вал-фажр: 1, 2). Ибн Аббос розияллоху анхумо ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳеч қайси кунда қилинган солиҳ амал ушбу ўн кунда қилинган солиҳ амалчалик Аллоҳга суюкли эмас», дедилар. «Ё Расулуллох, Аллоҳ йўлидаги жиҳод

дан фойдаланиб қолишга ва уларни солиҳ амаллар билан обод қилишга уринайлик. Мана шундай фазилатли кунлар кириб келса-ю, одамлар бундан беҳабар, на яхшиликларга ошиқмай, на ёмонликлардан тийилмай, дунё билан овора бўлиб, у кунларни ғафлатда ўтказсалар, жуда ачинарли бўлади. Абул Фараж ибн ал-Жавзий раҳимахуллох айтадилар: «Умум халқларга боқиб, вақтларини қандай кетказайтганларидан ажабланиман. Тун узун бўлса, бейойда гап-сўзлар билан ё ишқ-муҳаббат мавзусидаги китоблар ўқиш билан, кундуз узун бўлса, уйку билан ўтказадилар. Кун бўйи Дижлада ё бозорларда санғийдилар. Мен уларни чексиз уммонда номаълум томонга қараб олиб кетаётган кемада ҳеч нарсдан беҳабар сўзлашиб бораётган киши-

ўқингиз, ҳикмат ўрганингиз, замон билан беллашингиз, нафслар билан олишингиз, озукани кўпайтирингиз!».. Мўмин биродарлар! Зул-ҳижжа ойининг ўн куни амалга берилиш ва ошиқиш кунлардир, зафар, саодат ва нажотга эришиш кунларидир. Бас, шундай экан, уларни қўлдан бой берманг, уларни Аллоҳ таолонинг тоат-ибодати билан бойитиб олинг. Мухтарам биродарлар! Ушбу муборак ўн кунлики тоатлар ва солиҳ амаллар билан обод қилиш мустаҳабдир. Жумладан, Зул-ҳижжанинг тўққизиди (Арафа куниди) рўза тутиш суннатдир. Чунки, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам солиҳ амаллар қилишга ундаганлар, рўза эса энг афзал амаллардан саналади. Саҳиҳ ҳадисда у зот соллаллоху алайҳи ва саллам: «Рўзани лозим тут, зеро унга тенг (амал) йўқ», деганлар. Имом Нававий раҳимахуллох: «(Ушбу кунлар) рўзасини тутиш кучли мустаҳабдир», деганлар. Аммо, авом халқда, айниқса аёллар ичида машҳур бўлган уч кунлик рўза, яъни еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи кунларни рўзага хослаш асли-асоси йўқ ишдир. Аммо, Арафа кунининг рўзаси таъкидлангандир. Чунки, бу куннинг ўзига хос фазли бор. «Саҳиҳ Муслим»да келган ҳадисда айтилганидек, у: «ўтган йилги ҳамда йилнинг қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлади».



ҳамми?» сўрашди саҳобалар. «Ҳа, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам! Фақат моли-ю жони билан (жиҳодга) чиқиб, ҳеч нарсасиз қайтган киши (яъни моли ҳам, жони ҳам ўша ерда қолиб, ўзи шаҳид бўлган киши) бундан мустасно», дедилар (Имом Бухорий ривояти). Ушбу фазилатли айёмлар бизларни амалда жидду-жаҳд қилишга ва ижтиҳод кўрастишга чорлайди. Шундай экан, эй мусулмонлар, улар-

ЗУЛҲИЖЖА ОЙИНИНГ ИЛК ЎН КУНИ ФАЗИЛАТЛАРИ

ИБОДАТ ҚИЛМАСАМ БЎЛМАС.

(Ҳазиний ғазалига мухаммас)

Бу дин аҳкомларига мен итоат қилмасам бўлмас, Ва Қуръони Каримни ҳам тиловат қилмасам бўлмас. Салот фарзини ҳар соат-басоат қилмасам бўлсам, Гуноҳга тавба айлаб, энди тоат қилмасам бўлсам, Хатою маъсулиятларга надомат қилмасам бўлсам. Нетай, ғафлат аро юрсам ки нодонлик, ўжарликда, Умрдан не нажот бўлмай, гар ўтса бесамарликда? Хаёт мазмунини билмай, ажаб зеру забарликда, Абас ўтди йигитлик, сад дароғо, бехарликда, Ғаниматдур, тирикликда ибодат қилмасам бўлмас. Кўнгилда ул тариқатга чунон ҳошиш бўлур пайдо, Шукр, мўмин-мусулмонман, ки жаннатга ўзим шайдо. Зикр айлаб, дегум таҳсин туну кун, бўлса ҳам ялдо, На юз бирла борурмиз тухфасиз Хақ қошига фардо, Хаётим борича эмди ибодат қилмасам бўлмас. Нодомат-ла умр ўтти, дилимда кўпдир армоним, Ғарибу ҳасталик бирла нетай, охир куяр жоним? Хануз ғафлат аро ўтгай қуну хафта, ою оним, Сулуким-Қодирия, раҳбаримдир пири пироним, Саҳарлар зикри Оллоҳ уни одат қилмасам бўлмас. Бу ғафлат ичра ётдим-ку, ниҳоят паккага еттим, Бирон кор айлайн дерман, мадорим йўқ, тубан кеттим. Дегайман сарҳисоб айлаб, охират йўлига неттим, Юриб нафсим учун шул вақтгача, тоатни тарк эттим, Қаноат шаҳрига бориб, тиҷорат қилмасам бўлмас. Нажот айла, эй Ололҳим, Узинган соҳиби қудрат, Умар бирла саодат бер, илимда бўлғуси суръат. Паноҳ излаб юрурманким, хузуринга этай журъат, Фужуру фисқу исёним халойиқлар аро шухрат, Мадина, Маккатуллони зиёрат қилмасам бўлмас. Юрибман нокасу нодон кеча-кундуз хатарликда, Қилай тавба, тазаррулар туриб бедор саҳарликда. Қодирий сен, у дунёга борурсан бесамарликда, Эгосиз ит каби умрим ўтибдур дарбадарликда, Ҳазиний ихтиёри эмди, ҳижрат қилмасам бўлмас.

Абдуқодир Саттаров

ларга ўхшатаман. Жуда озчилик кишиларгина вужуд маъносини англаганликларини кўрдим. Улар охиратга озука хозирлаш ва сафарга тайёрланиш билан оворалар. Бирок, улар ҳам бир-бирларидан тафовутлидирлар. Тафовутлари сабаби илмларининг камлиги ё кўплигидандир. Ғофиллари тўғри келган нарсани елкаларига ортганлар ва кўпинча хайрияти бўлмаган нарса билан қувониб юрадилар.. Қанча-қанча инсонлар йўлда қароқчиға учраб, бор-будидан айрилиб қолади.. Шундоқ экан, умр мавсумини беҳуда ўтказиб юборишдан сақланингиз, фурсат ўтиб кетмасидан амалга ошиқингиз, илм

Эй мусулмонлар, Аллоҳ бандаларининг тавба қилишларидан ва Унга қайтишларидан хурсанд бўлади. Вақт борида тавба қилиб қолинг, ғафлат ва сустликдан ҳазир бўлинг! Эй ақл кўзи очик бўлиб, инсон умрини, одамларнинг ҳаётларини кузатган, ўлимларига гувоҳ бўлиб, жанозаларида иштирок этган, хурсандчилик-у ғам-аламларига шерик бўлган инсон! Тавбани қачонга олиб кўйдинг?! Тоқай тоатдан ғофилсан?! Қачонгача маъсиятларга чопасан, тоатдан бўйин товлайсан, тавбага бўйин эгмайсан?! Панд-насихатлар эшитгансан, Қуръон ўқигансан, ўлимни кўргансан. Тоқай даъватга ижобат қилишга қайсарлик қиласан?! «Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинган, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур» (Таҳрим: 8). Эй мусулмонлар! Ортимизда жуда оғир кун турибди. Уша кунга яхшилаб хозирланиб олайлик. У кунда фақат икки гуруҳ – саодат аҳли ва шақоват аҳли гуруҳлари бўлади.. Кимлардир саодатга эришади, яна кимлардир шақоватга юз тутуди. «Эй мўминлар, Аллоҳдан кўркинлар ва (хар бир) жон эрга (Қиёмат Кунини) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўркинлар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр: 18)

(Қисқартириб берилди)



THE INDEPENDENT: “ДИКТАТОРНИНГ ҚИЗИДАН АТИРГУЛ ИФОРИ ТАРАЛАДИМИ?”

Британия нашр этиладиган The Independent (“Индепендент”) газетаси Президент Ислом Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримова шахси ҳақида Ғарб матбуотини тобора ишғол этаётган салбий мақолалар сафига ўз хиссасини қўшди.

Мақола “Диктаторнинг кизидан атиргул ифори тараладими?” – деган савол сарлавҳа билан бошланади.

Кўшиқчи, шоира, раҳнамо, сиёсатчи, модел каби даъво этиладиган томонлари билан очикчасига мадҳ этиладиган Гулнора Каримова энди атирсозликда ҳам эҳтимол ўзини синаб кўраётгани эсланар экан, мақолага кўра, унинг атиридан, табиийки, Ўзбекистон қамоқхоналаридаги “қийноққа солинаётган ва ё тириклайин қайноқ сувга ташланган” ҳиди келмайди...

“Эҳтимол келар,” – деб қўшимча қилинади мақолада.

“Сирли”

Mysterieuse, яъни “сирли” деб номланган атир Марокаш атиргули, ёсуман ва Осиёда ўсувчи “иланг-иланг” тропик дарахти гули қоришмасидан тайёрланган.

“Аммо бу ном сўз ўйини ёки қийноққа солинаётган ва ё тириклайин қайноқ сувга ташланган маҳбусларга ишора эмас,” – деб ёзади “Индепендент” газетаси.

Унга кўра, таникли француз парфюмери томонидан яратилган ушбу атир Ўзбекистоннинг “шафқатсиз президенти” Ислом Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримованинг илк атирига айланиши лозим.

“Жаноб Каримов ҳукмронлиги остида Ўзбекистон дунёнинг энг репрессив мамлакатларидан бирига айланди,” – деб ёзади “Индепендент”.

Газетага кўра, бу мамлакатда қийноқлар мунтазам қўлланади ва кўркув фазоси кенг тарқалган.

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати мактаб ўқувчиларидан ҳар йили пахта терими мавсумида арзон меҳнат кучи сифатида фойдаланиши, мамлакат аҳолиси эса қашшоқликда ҳаёт кечириши алоҳида таъкидланган.

Аммо, газетада таъкидланишича, президент кизининг бундай ҳаётга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У “Тошкент, Москваю Женевада ўтказилувчи кеча базмларида... шохона ҳаёт кечиради,” – деб ёзади “Индепендент”.

Отасининг ишончли сирдоши бўлган Каримова хоним охириги йилларда ўзини аввалига фасон ва заргарлик буюмлари дизайнери сифатида кейинроқ эса отаси қўйган “Гугуша” таҳаллуси остида поп кўшиқчи сифатида танита бошлади,” – дейилади мақолада. Гулнора Каримованинг “Guli” бренди остидаги эркаклар учун мўлжалланган Victorious ва аёллар учун мўлжалланган Mysterieuse номли биринчи атири ўтган сешанба кун Тошкентдаги тунги клублардан бирида ўтган ҳашаматли кечада тақдим этилган.

“Экзотик ўзбек гўзали”

Атирлар муаллифи Франциянинг етакчи парфюмерларидан бири Бертранд Дючафодир. Жаноб Дючафо Christian Dior ва Givenchy каби дунёга

донг таратган парфюмерия ишлаб чиқарувчи ширкатларга кўплаб атир навларини ўйлаб топган.

Парфюмер ‘Mysterieuse’ атири воқитида Гулнора Каримова имижини яратишга ҳаракат қилганини айтади.

“Мен атир орқали Ўзбекистон ва Францияни боғлашга уринган тарихдаги илк инсон бўлсам шояд,” – деб айтган жаноб Дючефо. Аммо “Индепендент” парфюмернинг суҳбат ўтказиш ҳақидаги ёзма таклифга жавоб қайтармаганини маълум қилади.

Газетага кўра, француз парфюмери Гулнора Каримова атирини машҳур қилиш учун ундан канча пул олгани ҳақидаги саволга ҳам изоҳ бермаган.

Лекин, “Индепендент” ёзишича, жаноб Дючефо Гулнора Каримованинг муҳташам лойиҳаларидан мўмай даромад кўрган илк шахс эмас.

Кўшиқчи Sting 2010 йилда Гулнора Каримова таклифи билан Тошкентда концерт ўтказгани учун танқидларга учраганди.

Wikileaks томонидан нашр этилган Америкалик дипломатларнинг хуфий ёзишмаларида “қарорқчи малика” ва “мамлакатда энг кўп нафратланган шахс” сифатида таърифланган Каримова хоним ноқонуний бизнесга алоқаси борлиги ҳақидаги даъволарни ҳар доим рад этиб келган, деб ёзади “Индепендент”.

Газетага кўра, Гулнора Каримова Кўшма Штатларда ҳам ўз шухратини ёйишга қаратилган кампанияни бошлаган. “Америкада чиқаётган рекламаларда Гулнора Каримова “экзотик ўзбек гўзали” дея таърифланса-да, унинг отаси ҳақида лом-мим дейилмайди,” дея қайд этади Индепендент. – “Аммо унинг янги муסיкий албому “How Dare?”, яъни “Ҳадди қандай сиғади?” – деб номланган. Кўплаб ўзбеклар унга айни савол беришлари мумкин,” – деб хулоса қилади “Индепендент”.

bbc.co.uk/uzbek



Гулнора Каримова эришган мувафақиятлари учун, муסיқа, ТВ ва видеоарт соҳасида Тошкентда декабр охирида ўтадиган «M&TVA - 2012» мукофотини олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзини поп хонанда дея эълон қилиб, инлиз тилидаги Googoosha альбомини чоп этган Ўзбекистон президентининг 40-ёшли тўнғичи Гулнора Каримова, ўз муסיқа ижо-

дига баҳо берилишини истамоқда.

Twitter-аккаунтида ўз «ишқибозларига» у Тошкентда ўзбекларнинг Gramтуга менгзовчи - муסיқа, телевидение ва видеоарт соҳасида эришилган ютуқлар учун «M&TVA — 2012» мукофоти

M&TVA МУКОФОТИ... ГУГУШАГА БЕРИЛАДИ!

тақдимотига тайёргарлик бораётгани ҳақида билдиради. Каримованинг маълумотларига кўра, мукофот тақдими Тошкентда 22 декабр кунини ўтади.

Ўзбек шоу-бизнеси соҳасидаги айниқса қизиқ бўлишини билдириб, Каримова ўз «издошлари»га чипталарни олдиндан ҳарид қилишда «чаққонроқ» бўлишга чақиради ва уларнинг ҳаммага етмай қолиши

ҳақида огоҳлантиради. У шунингдек кўплаб қизиқ нарсалар – танловлар, турли номинациядаги «суперютуқ» эгаларини топиш имконлари ҳақида ёзади.

Олтинчи бор тадбир ўтказаетган «M&TVA» мукофоти таъсисчилари, Каримованинг ўзи раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Муаллиф ва ижрочилар гилдияси, “TVM” телевизион каналидир.

Мукофот

«M&TVA — 2012 мукофоти» билан, ўз янгилиги ва оригиналлиги билан ажралиб турувчи, жорий йилда яратилган муסיқа, телевидение ва видеоарт соҳасида жамоат эътирофини қозонган, Ўзбекистон маданияти ва санъатига ҳисса қўшган истеъдод соҳиблари тақдирланади», - дейилади M&TVA расмий сайтида.

(Давоми кейинги бетда)

Куни кеча Юсуф Расуловнинг ёзганини ўқиб қолдим:

“Куни кеча, 18 октябдан 19 октябрга ўтар кечаси “Янги Дунё”га ҳужум уюштирилди. Натижада икки ҳафтадан буён жойлаштирилган барча материаллар ўчиб кетди.

Бу каби кибер ҳужумлар кимлар томонидан амалга ошириляётгани ҳозирча бизга маълум эмас.

Тахминларимиз бор, ҳолос.

Таҳририят”



САЙТИМНИ ЎҒРИ УРДИ, КИМЛИГИНИ АЙТМАЙМАН

Интернет сайти ва хавфсизлиги мавзусидан озгина хабари бор одам учун таҳририятнинг бундай баёноти, очигини айтганда, қулғили.

Сайтга ҳужум техник жиҳатдан бунақа уюштирилмайди. Ҳужумчи, ё сайт паролларини синдириб (ўзгартириб), муҳаррир умуман қиролмайдиган қилади, ёки бошқа бир сайт манзилига йўллаб REDIRECT қилади ёки бутунлай тўхтатиб биргина HACKED маъносига бирор статик саҳифа қолдиради, жуда нари борса DDOS ҳужуми уюштириб сайт тезлигини пасайтиради, ҳолос.

Биринчидан, бу ерда бу ҳужум аломатларининг бирортаси йўқ. Бор-йўғи “икки ҳафтадан буён жойлаштирилган барча материаллар ўчиб

кетган” ҳолос. Аниқки, бу ерда ҳеч қандай “ҳужум” йўқ.

Иккинчидан, таҳририятнинг охириги жумласи диққатга сазовор: “Бу каби кибер ҳужумлар кимлар томонидан амалга ошириляётгани ҳозирча бизга маълум эмас. Тахминларимиз бор, ҳолос”. Ва остига бу “ҳужум”да яна ЎХХни айбловчи изоҳлар чоп этишидан кўриниб турибдики, Ю.Расулов эски бадгумонларини ҳали-бери ташлайдиган эмас.

Яқиндагина “Янги Дунё” сайтга қиролмай қолганида, Ю.Расулов ҳеч бир далил-исботсиз ЎХХнинг қўли бор дея иддао қилиб чиққан эди.

Бу тухмат тезда фош бўлгач, Ҳаракат раҳбаридан кечи-рим сўрагани ҳам бор гап. Аммо бу билан

“Янги Дунё” муҳаррирлигига барибир тиклана олмаганидан тушуниладики, энди кечирим хатидан зудлик билан халос бўлиш керак. Бунинг энг қулай йўли – зудлик билан сайтга “ҳужум” уюштириш, ҳам кераксиз материалдан қутулсан, ҳам ЎХХни айблаш учун баҳона! Биз ўз навбатида шуни айтаманки, ЎХХ учун Ю.Расуловнинг иғвохонасидан бошқа муҳимроқ ва қизиқарлироқ ишлар ҳам бор дунёда. Очигини айтганда, сайт юритишни эпловмасанг, демакки пешона, бирор далил бўлмаса, ЎХХ ёки “учинчи кучлар” каби шикоятлар бефойда. Ҳеч қандай “ҳужум” бўлмагани шундоғам кўриниб турибди, фақат “Таҳририят”нинг жазавадаги чиранишлари ҳолос.

Икки ҳафталик материаллар ҳаммаси тикланади, балки яна-да кучлироқ жазавада давом ҳам эттирилади. Фақат М.Солиҳдан кечирим мақоласи қайтиб тикланмайди. Акс ҳолда “ҳужум” чўпчигининг маъноси ҳам қолмайди-да, тўғрими, жаноб Расулов?

Сўзимиз якунида Исмаил Хушевнинг бир гапини келтирамиз: “Соддадил, камсавод одамлар ҳар қандай эртаққа ишонавереди, қабилида иш тутиш, ўзбек миллатини, жамиятимизни камситишдан ўзга нарса эмас”.

**Юсуф Хўжа
Янги Дунё**

М&ТVA МУКОФОТИ... ГУГУШАГА БЕРИЛАДИ!

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Ўтган йилларда «М&ТVA» мукофоти: Райхон, Зиёда, Улуғбек Раҳматуллаев, Зулайхо Бойхонова, Тохир Солиқов, Манзура, Озодбек Назарбеков, Шохруҳон; актёрлар: Нозим Тўлаҳўжаев, Улуғбек Қодиров, Азиз Ражабов, Раъно Шодиева, Лола Элтоева, Дилноза Кубаева, Муҳаммадиси Абдулҳайров; режиссерлар: Мурод Ражабов, Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев, Рустам Саъдиев, Жаҳонгир Аҳмедовлар сазовор бўлишган.

Бу йил ҳам илгаригидек мукофотлар: Йилнинг энг яхши хонандаси, йилнинг энг яхши бастакори, йилнинг энг зўр саундтреки, йилнинг энг зўр клипи, йилнинг яхши кўшиғи, йилнинг яхши филми, йилнинг энг зўр актери, йилнинг энг сара актрисаси, режиссери ва ҳоказо номинациялар бўйича берилади.

Бу йилги янгилик, янги фахрий мукофот: «Ўзбекистон маданияти ва санъатига қўшган хиссаси» дир.

Гугуша

Гугуша таҳаллусидан фойдаланган Г.Каримова, бу йил шу номда альбом чиқарди.

Бироқ бу шоу бизнесда эътибор қозонмади, бу уни ахборотларни ўйлаб топишга ундади, унинг Round Run кўшиғи «Billboard» журналининг рақс тоифаси чартида 5-ўринни эгаллагани ҳақида гап тарқатди.

Бухорода унинг ўзи томонидан тасвирга олинган Round Run клипи, на ушбу композиция, на унинг ашулачиси эътиборга лойиқ эмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Гугуша, нафақат куйлашни удалай олмайдиган, балки кўшиғини, куйга мослашни ҳам эглай олмайдиган, бўянган бир кўғирчоқ каби намоён бўлди.

Бироқ клипнинг аҳамияти бор. Гугушанинг халққа ўз жамолини кўрсата олиши билан бирга, клип каримовлар оиласининг халқдан нақадар изоляцияда эканлигини намоён қилади.

Видеотасвирларда, Гугушанинг ўзи ва унинг атрофида чопаётган атлет Даниэл Илабакидан бошқа тирик жонзот кўринмаган.

“Каримовлар Ўзбекистондаги одамлардан нафратланишади, шунинг учун, ҳатто осмондан туриб олинган тасвирларда ҳам клипда битта ҳам одам кўринмайди”, - дейди клипни кўрган бир фарблик эксперт.

“Бироқ шунга қарамай, эркаларникидан ташқари, Гугушанинг барча имкони бор мукофотларни олишига аминман”, - дея қўшимча қилади у.

Кейинчалик Каримова албомдаги иккинчи кўшиқ «How Dare» учун ҳам клип чиқарди, бироқ уни интернетга қўйишга журъат эта олмади.

uznews.net

ҲОРИЖДАН ПУЛ ЖЎНАТИШЛАРИНИ МХХ НАЗОРATGA ОЛАДИ

Сентябр ойидан бошлаб хориждаги қариндошларидан пул олувчи ўзбекистонликлар устидан назорат кучайтирилди. Пул ўтказиш шохобчага пул олгани келганлардан ким, қаердан, нима мақсадда пул жўнатаётгани ҳақида маълумот талаб қилинмоқда.

Westren Union, Money Gram, Contact, Unistream, Migom сингари тармоқларда жорий қилинган янги тартибга кўра, эндиликда хориждан пул олувчи кишилар ўз шахси ва пул юборувчининг исми-шарифи, манзили ҳақидаги қўшимча маълумотларни тақдим этиши талаб қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, биргина Россия Федерациясидан жўнатилган пул маблағларининг ҳажми 2011 йилда 4,575 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бошқа мамлакатлардан пул ўтказмалари орқали Ўзбекистонга қираётган маблағлар борасида маълумотлар мавжуд эмас.

Давлат Думаси кўмитаси бўлиб ўтган ишчиликларда Москва раҳбариятига Россия сармоядорлари ва бизнесига босим кўрсатаётган Ўзбекистон ҳукуматига тегишли тарзда кескин жавоб қайтариш тавсия қилинди.

МТС муаммоси – Россия сармояси муаммоси деб баҳоланди

Россия парламентининг Қуйи палатаси депутатлари мамлакатдаги энг йирик мобил алоқа оператори саналган МТС ширкатининг Ўзбекистондаги муаммоларига эътибор қаратди.

18 октябр куни Давлат Думасининг Мулкчилик масалалари бўйича кўмитаси йиғилишида депутатлар Россиянинг қатор ширкатлари Ўзбекистонда ҳукумат идоралари томонидан босимга учраётгани ва бунга “кескин жавоб қайтарилиши” лозимлиги юзасидан келишиб олдилар.

Пайшанба кунги йиғилишга Мулкчи-

лик бизнес манфаатларни биринчи навбатга қўйишни тавсия қилди.

МТС-Тошкент “ўйини” давом этмоқда

Шундан сўнг, Ўзбекистонда жиддий муаммоларга учраган МТС, “АФК-Система”, “Арктур” компаниялари раҳбарлари маърузалари тингланди.

Корпоратив ва ҳуқуқий масалалар бўйича МТС вице-президенти Руслан Ибрагимов Тошкент билан музока-



мол-мулкнингизни қайтариб беришди, дея МТС расмийларига қараб гапирди Валерий Селезнёв.

Ўз сўзида Селезнёв Тошкентда ўтирганларга Ўзбекистондаги тангликни юмшатиб турган мухожир пуллари-нинг айнан 5 миллиард доллардан кўпроғи йилига Россиядан кетаётганини ҳам эслатиб қўйиш пайти келганини писанда қилди.

“Кремл Россия бизнеси учун таянч нуқтаси бўлсин!”

Россия Савдо-саноат палатаси вице-президенти Александр Рибакوف Ўзбекистон чегарасида ҳам Россия маҳсулотларига жиддий тўсиқлар қўйилаётганини билдириб, “кескинроқ босим ричагларини ишга тушириш” вақти келганини гапирди.

- Сертификатлар ўзбек божхонаси томонидан тан олинмаяпти ва юкларни “тозалаш”, яни расмийлаштириш

ДУМА ЎЗБЕКИСТОНГА ЖИДДИЙ ОГОҲЛАНТИРУВ ЙЎЛЛАДИ

лик масалалари бўйича кўмита аъзоларидан ташқари Федерация Кенгаши, Дума депутатлари, Россия Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Федерал миграция хизмати, Росҳамкорлик, Россия президенти қошидаги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича ваколатхона, Россия Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистонда муаммоларга дуч келган қатор Россия тадбиркорлари, МТС раҳбарлари ва қатор бошқа расмийлар иштирок этди.

Йиғилишни бошлаб берган Мулкчилик масалалари кўмита раиси Сергей Гаврилов Россия Иқтисодий тараққиёт вазирлигига ноябр ойида Тошкентда ўтказилажак Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия кўмитаси музокараларида рус сармоялари ва тадбиркорларининг Ўзбекистондаги муаммолари масаласини кўтаришни талаб қилди.

- Биз парламентларо дипломатия алоқалари доирасида Ўзбекистон билан бўладиган музокаралар давомида бундан-да кескинроқ муносабат билдиришни тавсия қиламиз. Ҳукумат Ўзбекистон билан сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий-норматив асосларни янада такомиллаштириши зарур. Бу талаб барча вазирлик ва кўмиталарга тегишли. Чунки МТС муаммоси – бу Россия бизнеси муаммосидир, давлатимизнинг бу соҳадаги жиддий камчилигидир! Қандай қилиб Россия сармояларини ҳимоя қилиш бўйича шартномаларни имзолай олмаган? Ахир МТС Ўзбекистонга 2004 йилда кириб борган, 2005 йилларда Ўзбекистондаги барчага маълум бўлган воқеалардан кейин бу мамлакат билан ҳамкорлик тўғрисида қатор шартномаларни имзоладик. Ўзбекистон самарали тарзда инвестицияларимизни ҳимоя қилиш бўйича бизга зарур бўлган қилишувларни имзолашга йўл қўймади, дея таажубланиб кўмита раиси Сергей Гаврилов.

Кўмита раҳбари ҳукумат расмийларига ҳозирги вазиятда Ўзбекистон билан ҳарбий, иқтисодий, сиёсий соҳада олиб борилаётган музокаралар даво-

ралар давом этаётгани, “ўйин тугамагани” таъкидлаб туриб, МТСнинг Ўзбекистонга қайтишини эҳтимолдан соқит қилмади:

- Биз ортга қайтиш имкониятлари борлигини сезиб турибмиз. Ҳар ҳолда ҳозирча барча ҳуқуқий имкониятлар ишга солинмади. Шу сабабли ҳикоямиз давом этади ва сўзсиз биз давлат кўмагига муҳтожмиз, деди МТС вице-президенти Руслан Ибрагимов.

МТС ва бошқа йирик Россия ширкатларининг Ўзбекистондаги муаммолари сабабларига тўхталган Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ давлатлари Департаменти раиси Александр Стерник, Россия-Ўзбекистон ўртасида сармоялар ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий асосларнинг деярли йўқлиги асосий муаммо эканини алоҳида таъкидлади.

- Бундай вазиятлар олдини олиш учун ҳукумат томонидан кафолатланган инвестициялар ҳимояси бўйича шартномалар имзоланиши зарур. Тўғри, МДХ доирасида айрим бундай шартномалар имзоланган, аммо Россия унда иштирок этмайди, деди ТИВ расмийси Стерник.

Мухожир картасини ўйинга солиш тақлиф этилди

Мулкчилик кўмитаси раиси муовини Валерий Селезнёв йиғилиш иштирокчиларига 2011 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси тўртдан бирини Россия улуши ташкил этганини эслатиб қўйди. У Ўзбекистонда “Газпром”, “Лукойл” каби йирик Россия ширкатлари фаолият юритаётганини қўшимча қилди.

Селезнёв МТС ва Ўзбекистон ҳукумати қарори билан тортиб олинган бошқа Россия мулкларини қайтариб олиш учун барча имкониятларни ишга солиш, бунинг учун Тошкентга босимни кучайтиришни тақлиф қилди.

- Уларни парламентларо муҳокамаларга чақириш баробарида бошқа томонлардан ҳам аниқ огоҳлантирув бериш зарур. Агарда биз Ўзбекистондан бу ерга келаётган товарларга ва меҳнат мухожирларига зарба берсак, менимча, масала жойидаёқ ҳал этилади. Сизга эса барча

процедураси деярли бир йилни ташкил этмоқда. Вазият жуда мураккаб. Бизнинг қорхоналаримиз халқаро қонунчиликка мувофиқ бу мамлакатга кириб бораёпти, аммо Ўзбекистон ва айрим бошқа қўшни республикаларда сиёсий таянчсиз фаолият юритишнинг иложи йўқ. МТС ҳам муайян вазиятда бу таянч нуқтасини йўқотиб қўйган бўлиши мумкин, дея хулоса қилди Савдо-саноат палатаси раҳбари муовини Александр Рибакوف.

Йиғилишда иштирок этган Федерал миграция хизматининг Ташқи меҳнат миграцияси бошқармаси раҳбари Дмитрий Безроднийнинг кўмитага берган маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 январидан 30 сентябрга қадар Ўзбекистон фуқароларига 498,5 минг ишга рухсатнома берилган ва бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 26 фоизга кўпдир. 1322 нафар юқори малакали ўзбек мутахассисига навбатдан ташқари ишлаш рухсатномаси (2011 йилда бу кўрсаткич 444 кишини ташкил этган), шунингдек ўзбекистонликларга 551 минг иш патентлари тақдим этилган.

ФМС расмийси асосан курилиш, транспорт, хизмат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари Санкт-Петербург Москва вилояти ва Москва шаҳрида жойлашиб олганини таъкидлади.

Давлат Думасининг Мулкчилик масалалари бўйича кўмита йиғилиши натижалари бўйича қабул қилинган қарорда, Россия парламенти “Ўздунробита” агрофида юзга келган вазиятдан хавотир билдириши қайд этилди.

Айни пайтда, ҳукумат идораларига Россия инвесторларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқиши талаби қўйилди.

Шунингдек, кўмита Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро сармояларни ҳимоялаш бўйича давлатларо қилинув имзоланишини тезлаштиришни тавсия қилди.

И.Каримовнинг нотик одам эмаслигини, ёзиб берилган текстдан чиқиб бирон нарса айтганидан бўлса: «Яхшилаб тагига қарасангиз, бошқа бир нарсани кўрасиз» каби қулгили нарсалар айтиб юборишини, маърузаси давомида қарсақ ишлаб олиш учун, «чапанилик» (мажлис ахлига ёқадиган гаплар) қилишга ўтишини ҳамма билади.



КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМДАГИ МАСХАРАВОЗЛИГИ ҲАҚИДА

Каримовнинг Хоразмдаги чиқиши унинг бошқа ерлардаги чиқишига-да паҳса қўйди. Президент ўз маърузасида: «Истиклол шарофати билан пенсиялар 11 марта, ойлиқлар 20 марта ошди. Бу кўрсаткичлар ҳалқимиз ҳаётининг неча марта яшиланганлигини кўрсатмайди?!» деганида, бу ерда ўтирган, халқ сайлаб қўйган (тўғрироғи, раҳбарлар тайинлаган) депутатларнинг биронтаси: «Истиклолдан олдин 1 кг гўшт – 5 сўм, гуруч – 80 тийин турарди. Энг камбағал оиланинг ҳам қозони гўштсиз қайнамасди. Ҳозир гуруч салкам 2000 сўм, гўшт эса салкам 15000 сўм туради. Натижада Ўзбекистон халқининг мутлоқ кўпчилиги ҳафтага бир кунгина гўштли овқат есада дўпписини осмонга отарди», деб айтаолмади.

И.Каримов: «Совет замонида ойига 100 сўм оладиган одам ҳозир 200 000 сўмдан ортик пул олаяпти, бунақасини ҳали дунё кўрганми, айтинг азизлар», деганида залда гулдурас қарсақлар янграб кетди.

Ер тегиб қарсақ чалаётганларнинг кўписи Совет замонидаги 100 сўм салкам 130 доллар бўлганини, ҳозирги 200.000 сўм эса 70 долларга ҳам тенг эмаслигини яхши билишсада, қарсақ чалишди. Чунки қарсақ чалиш кераклиги уқтирилган.

Шунингдек, Президент Хоразм халқининг бойиб кетганини таъкидлаб, 60 минг Хоразмлик ҳозирги кунда ўз машинасига эга эканлигини қайд қилди.

Хоразмда 60 минг шахсий машина! Эшитган қулоқ қувонади

бундан. Лекин ўша 60 минг дегани Хоразмликларнинг атига 4 % игина машинали экани, бу эса Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда анча кам эканлиги, қўшниси(Туркменистон)га солиштирилганда 2 марта кам эканлигини қозоқ ва русларга солиштирилганда эса 3 марта кам эканлигини яхши билади Хоразмликлар. Қаримов хукмронлиги даврида ўзбек

халқининг мутлоқ кўпчилигини ташкил қиладиган оддий меҳнаткаш (кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим тизимларидаги)лардан биронтаси машина олдимикан?! «Палон кишлоқда бунча, таълим тизими ходимларидан бунчаси машина миниб

юрибди-ку», дейишга ошиқманг.

У машиналарнинг бариси чет элларда қатор йиллар қулдай мардикорлик қилиб олинган машиналар!

«Ривожланган Европа давлатларида ишсизлик ўртача 15-25 % ни ташкил қилиб турган бир пайтда, ишга яроқли Хоразмликларнинг 5 % игина ишсиз, яқинда бу 5 % ишсизликнида йўқотамиз. Бу ҳукумат олиб бораётган доно сиёсатнинг натижаси эмасми?! деганида депутатлар нотик(президент)қа тасаннолар айтишди.

Ишсизликни бартараф қилишнинг Каримов олиб бораётган сиёсати натижасида нафақат Хоразмда, бутун Ўзбекистонда бўйлаб бутун бошли кўчалар, маҳаллалар, қишлоқлар ишга яроқли эркагу-аёл бошқа юртларга мардикорликка кетганлиги сабаб хувиллаб қолганини бугун ер тегиб қарсақ чалиб ўтирган «халқ депутатлари» яхши билдилар.

Зеро, уларнинг кўпи ўша хувиллаб қолган кўчалардан, маҳаллалардан, қишлоқлардан келишган. Айримларининг мардикорликка кетган яқинлари кўп йиллардан буён ному-нишонсиз бедарак, айримларининг эса жасадлари келган. Лекин улар тилида: «Яшасин буюк Каримов!», деб қарсақ чалганлари билан дилида нима дейишаётганини англаш қийин эмас.

Каримовнинг маърузасига, айниқса одамлар билан мулоқотига эътибор берсангиз, Мухаммад Солихнинг «Йўлнома» китобида: «Каримов ғоят айёр ва чапани одам» дегани қанчалар

ҳақиқат эканига ишончингиз қолмиш бўлади.

Каримовнинг бу хусусияти айниқса Хоразмга келганида янада яққолроқ намоён бўлди.

Ўрни келганда айтиш керакки, М.Солихнинг китоблари кўплаган Хоразмликларнинг уйида бор. Даҳрийлар замонида диний китобларни қандай яширинча сақлаб ўқиган бўлсалар, ҳозирда Солихнинг китобларини шундай ҳавф остида, яшириб ўқишади.

1991 йилги президент сайловида Ҳукумат берган маълумот бўйича 60 % га яқин, аслида эса 90 % дан кўпроқ Хоразмликлар айнан Мухаммад Солихга овоз берганини эсингизга келтирсангиз, мен юқорида айтганларимнинг қанчалар ҳақиқат эканлигига ўзингиз ҳам ишонасиз.

Каримов тез-тез (қарсақсираб қолганида) текстдан бошини кўтариб: «Мен сизларни яхши кўраман, ҳаммангизни бағримга босгим келаяпти», «Хоразмликлар оғир тупроқ-иклим ва экологик шароитда маҳсулот етказишяпти, раҳмат уларга», «Энг мард ва меҳнаткаш халқ Хоразмликлардир, мен сизларга таъзим қиламан», деганга ўхшаш чапанилик билан қарсақлар олиб турди.

«Хоразмликларнинг оғир тупроқ-иклим ва экологик шароитда маҳсулот етиштираётганларини билар экансиз, нега сиз бошлиқ Ҳукумат Хоразмликларнинг оғир шароитда етиштираётган пахта ва дон маҳсулотларининг харид (давлатга сотиш) нархини кўтармайсизлар?»

Нега оғир экологик шароитда меҳнат қиладиган Хоразм меҳнаткашлари маоши индексация қилинмаяпти?» деб сўраган биронта депутат бўлмади, афсус.

Каримов деҳқонларга қоғоздагина яратиб берган имконият ва ҳуқуқлар ҳақида гапиратуриб: «Деҳқоннинг қосаси оқаради, деган гап бор», деб юзланди мажлис ахлига. Бунга ҳеч ким тушинмади (Бу жумлага ҳозир ҳам ҳеч ким тушунмас керак). Шу боис мажлис ахлидан бирон садо чиқмади. Нотик: «Гапим тўғрими, йўқми?» деб юзланди депутатларга.

Каримов ижод қилган бунақа қўлбола мақолнинг маъносига тушуна олмаган бечоралардан бирикитаси «тўғри», дегандай бош ирғиган бўлишди. Тўғри бўлса ... нимага қарсақ йўқ, деб ишора қилди нотик.

Одамлар қарсақ чалиш кераклигини англашгач, қарсақ чалиб юборишди. Мана, ниҳоят тушиндингизлар, деди нотик қарсақларга ишора қилиб.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Хоразмдаги навбатдан ташқари сессиянинг кун тартибидаги асосий масала П. Бобожоновни ҳоким вази фасини бажарувчи (чала ҳоким)ликдан (тўла) ҳокимликка ўтказиш бўлганлиги учун, Президент П. Бобожонов фаолияти ҳақида ўзи гапириб, депутатларнинг ҳам П. Бобожонов ҳақидаги фикрларини эшитиш (ўз таклифини қўллашлари) учун уларга сўз берди.

Биринчи бўлиб вилоят фахрийлари раиси К. Ортиқов сўзга чиқди.

Бу одам билан биз бир даврда ишлаганмиз. У киши вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Хонқа тумани ҳокими бўлиб ишлаган.

Истиқлолдан олдин ҳам, кейин ҳам вилоят ва мамлакат миқёсидаги йиғинларда кўп марта бирга бўлганмиз. Мажлис кун тартибидаги масала бўйича жиддий муаммоларни кўтариб чиққан одам.

КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМДАГИ МАСХАРАВОЗЛИГИ ҲАҚИДА

Шу боис, К. Ортиқов минбарга чиққанда П. Бобожонов номзодини ҳокимликка маъқуллаш билан бирга, вилоят аҳлининг узоқ йиллардан бери ичимлик сувисиз, қишларда газ ва электрсиз қолиб қийнаётганларини, вилоят ривожини учун узоқ йиллар давомида вилоят миқёсидаги раҳбарлар сифатида вилоят ривожига қатта ҳисса қўшиб келган бир неча одамларнинг коррупцияга аралашганликлари сабаб, узоқ йилларга қамалиб кетганликлари ҳақида айтиб, уларга шафқат сўрар деб умид қилгандик.

Улар коррупцияга аралашганлари учун қамалишган бўлса, багтар бўлишсин, дейишга сал ошиқманг.

Биринчидан – Ўзбекистонда уларнинг мансабидаги мулозимлардан коррупцияга у ёки бу даражада аралашмаган лоақ битта одамни кўрсата оласизми?

Иккинчидан – уларнинг коррупция йўли билан ўзлаштирган маблағларининг асосий қисми юртбошининг атрофидаги шотирларга берилган-ку. Нимага улар олган пулларини қайтариб бермайди ёки қамалишмайди?

Учинчидан – улар узоқ йиллардан буён коррупция билан шуғулланиб келишган экан, Каримов қаерга қараган? “Семиртириб сўйиш” учун атайлаб қўйиб берганми?

Юқоридагиларга ўхшаш қатор саволлар борки, улар ўз жавобини кутаяпти...

Нотик минбарга чиқди-да президиумда ўтирган президентга қараб: “Мен Ортиқов Кенжабой бўламан, Ислом ака”, деди. Президиумда депутатларга юзланиб ўтирган президент 90 градусга бурилдида, “Хўш кейинчи”, дегандай нотикка тикилди.

“Ислом ака, мен вилоят аҳли номидан сизга айтадиган серёзний

гапим бор”, деди нотик жиддий оҳангда.

Удумга кўра, президентга мурожат қиладиган одамнинг кўли кўксидан бўлиб, боши ва қомаги эгилган бўлиши керак эди. К. Ортиқов эса қомагини ғоз тутиб, қўлларини пахса қилганича, президентнинг кўзига тик қараб гапираётган эди.

Бундай ноанавий ҳолатдан бугунги мажлисни таёрлаган президент девони ходимларидан иборат Мирзиёев бошлиқ гуруҳ ҳам: “Булар (сўзга чиқувчиларни) роса таёрлаган эдикку. Бир қор-қол юз бермаса эди”, деганларича нафасларини ичига ютиб ўтиришарди.

Мажлис аҳли у ёқда қолиб минбардаги К. Ортиқов ва президиумдаги И. Каримовнинг бир-бирига қараб туришлари жангга қираётган хўрозларни эслатишарди.

“Айтмоқчи бўлган серёзний гапим шуки, Ислом ака, сизни Худонинг

ўзи етказди бизга. Сиз бўлмасангиз Хоразм халқининг ҳоли нима кечарди”, деди К. Ортиқов ўта бир жиддий ҳолатда.

Мирзиёев бошлиқ гуруҳ: “Ҳар тугул-эй”, деб нафас ола бошлаган бўлсаларда, президент ундан кўзини узмай қараб турарди.

“Сиз жаҳонда тинчликнинг гаровисиз, Ислом ака, буни мен серёзний айтаяпман. Тожикистондаги Роғун ва Қамбар ота ГЭСлари ҳақида, 2014 йилдан кейин Афғонистонда аҳвол нима бўлади, деган муаммоларни сиздан бошқа бирон давлат раҳбаридан эшитмадик”, деди К. Ортиқов.

Президент ортик чидаб ўтира олмади. Ичидан: “Э, бор экансан-ку!” деганича югура келиб К. Ортиқовни кучоқлаб олди, бўлиб кетди гулдурос қарсақлар...

Ундан кейин сўзга чиққан фермер – Шарифбой Султонов ўзидан олдинга нотикқа-да “пахта” қўйди: “Ислом ака, ташрифингиз шарофати билан хўжалигимиз ерларининг мелиоратив ахvoli яхшилашиб, ҳосилдорлик бир-неча баробар ошиб кетди”, деди.

Буни эшитиб беихтиёр ёдимга 1951 йил “Комсомолская правда” газетасида: “Дохиймиз И. В. Сталин туғилган куни шарофати билан товуклар 2 тадан туға бошлади” деб ёзилган сўзлари билан.

Сўзга чиққанларнинг бари-си И. Каримовни мадҳ қилишди, биронтаси ҳам кун тартибидаги П. Бобожонов ҳокимликка лойикми, деган масала бўйича гапиришмади. Шундай бўлсада, президент таклифи билан, қарсақлар остида ҳоким сайланди.

Ўша мажлис иштирокчилари ва бу мажлис тафсилотларини телевизор орқали кўрган халқнинг яқин келажақда К. Ортиқов ва

Ш. Султоновларнинг президент совғаси (унвон ёки орден)ни олишларига шубҳаси қолмади.

Президентнинг Хоразмга келганидан фойдаланиб Хоразм халқининг узоқ йиллардан бери ичимлик сувисиз, қишда газ ва электрсиз қийнаётганларини айтиб, Хоразмда қатта эхтиромга эга бўлган, аввал президент девонида ишлаган З. Отажонов, Б. Рахимов, Облздрав раҳбари бўлган профессор Дўсчонов, Хоразмдаги барча қурилишларда ўз ҳиссаси бўлган Р. Йўлдошев, Автойўл раҳбари В. Полвоновлар учун шафқат сўрайдиган биронта мард топилмадида, салкам 1,5 миллионлик Хоразмликлар ичида. Нахотки, Хоразмликлар шунчалар лаганбардор бўлиб кетишган бўлса, дейдиганлар оз эмас, албатта.

Лаганбардорлик Хоразмликлар менталитетига хос эмас. Мажлисида лаганбардорлик қилганлар ҳам аслида

ўз истақлари билан қилмаганлар. Уларни мажлисни таёрлаган гуруҳ, президентнинг кайфиятини ва имиджини кўтариб, телевизорларда кўз-кўз қилиш учун лаганбардорлик қилишга мажбур қилишган.

Президентга Хоразм муаммоларини айта оладиганларнинг Исқот ота Абдуллаевга ўхшаган бир қисми Каримов зиндонларида, Муҳаммад Солихга ўхшаган бир қисми қувғинда, Ҳайитбой Ёқубов (Нажот) га ўхшаган бир қисми президент Хоразмга келди дегунча уй қамоғида сақланади.

Шундай ҳолатда: “Хоразм халқининг жонқуярларидан бир қисми турмада, бир қисми қувғинда, Хоразмдаги қисми уй қамоғида экан, сизлар озодликда экансизларку. Хўш, нимага сизлар ўзингиз айтаётган муаммоларни президентга айтмадингиз?” деган савол туғилади албатта.

Президент Хоразмга (ҳамма жойга ҳам) ташриф буюрганида унинг ўтадиган йўллари, мажлис ўтказадиган жойлари, махсус таёрланган халқ билан мулоқот қиладиган ерларига яқинлашиб бўлмайди. Агар яқинлашишга ҳаракат қилсангиз ўзингизни шу ондаёқ турмада кўрасиз. Нафақат президентга, ҳатто бундай мажлисни таёрлаш учун олдиндан келадиган президент девони ходимларига ҳам яқин йўлаб бўлмайди.

Президент ташрифи билан боғлиқ махсус уюштирилган бундай масхарабозликни ким билмайди дейсиз. Ҳамма билади. Лекин ўзбек халқининг сабр қосаси “безразмерний” қилиб яратилган. Бу эса Каримовга айни муддао.

Олим Хасанов
Хоразм

Ислом Каримов ички таҳликалар ҳақида

Ўзбек Хавфсизлик Кенгашининг 2012 йил 2 октябрь йиғилишида чиқиш қилган Ислом Каримов Ўзбекистонга хавф солаётган ички таҳликаларга ҳам тўхталди. Унга кўра, барча ташқи таҳликалар (“барқарор ривожланаётган Ўзбекистонга душман” давлатлардан олтигаси: Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон

ўйлайман».

И. Каримов: «Сиз Пўлатов, Охунов ва Иноятова тўдасини назарда тутаяпсизми?» [сўз «Бирлик» ҳаракати аъзолари Абдурахим Пўлатов, Пўлат Охунов ва Василя Иноятова ҳақида кетмоқда - У.Х.]
Р. Иноятов: «Ҳа»

И. Каримов: «Э-э-э! Сиз бунга гўёки катта сир дея яширяпсизми?! Бу тўда сизнинг контрорангизга ишла-



дай қилиб...

Хулоса ўрнида

И.Каримовнинг 2012 йил 2 октябрдаги Хавфсизлик Кенгаши йиғилишидаги нутқидан қуйидаги хулосалар чиқарилади:

1) Бундан буён Ўзбекистон АҚШ ёрдамида Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонни турли йўллар билан шантаж қила бошлайди.

2) Бундан буён Ўзбекистон АҚШ ёрдамида минтақада Россияга қарши ҳаракатлар олиб боради. Шунингдек, «Вымпелком» («Биллайн») ва «Лукойл» каби компанияларга ҳужум қилиниши мумкин.

3) Ўзбекистонда бундан кейин ҳам Афғонистон ва Туркияга нисбатан душманона кайфият сақланиб қолади.

4) Ўзбекистонда бундан кейин ҳам АҚШ кўмағида мамлакат ичкараси ва ташқарисидagi диний ва муҳолиф гуруҳларга қарши аёвсиз кураш олиб борилади.

Россиянинг Ўзбекистонга қарши қўлидаги кўз картаси (меҳнат мухожирлари) ҳақида гапира туриб, Ислом Каримов В.Путинни Тошкентга босим ўтказиш учун бошқа кучли ричаги борлигини ё унутиб қолди, ё атайин кўздан қочирди.

Бу аввало Россия ОАВларидир. Марказий ва фазовий телеканаллар орқали кўплаб Ўзбекистонликлар томоша қиладиган дастурлари бор.

Агар Москва доимий равишда газета ва журналларида, радио ва телевиденида ўша Мухаммад Солихга ва ЎХХга ўрин берса, Каримов учун “эски дўстлари тарафига тупургани” киммага тушиши мумкин.

Ҳатто, Ўзбекистондаги ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий аҳволни, фуқароларнинг ҳуқуқсизлигини Россия ОАВда доимий кўрсатиш, Каримовга ва унинг кизи Гулнорани ўрнига келтириш режаларига қаттиқ зарба бўлади.

Лекин Кремль хали бунга борганича йўқ.

Агар Тошкент яна Россия инвесторларини босиб олишга уринса, ва Кремль шаънига турли гапларни алжираса, Москва бу каби чиқимсиз Каримовга сиёсий босим воситасини ишга солиши мумкин.

У ҳолда Россия ўз қадрини ва иқтисодини сиёсий йўллар билан химоя қилиши лозим бўлади. Эслагиб ўтамиз, Каримовга бу каби босим ўтказиш ўзбек муҳолифатини молиялаштиришдан ва меҳнат мухожирларини оғдириб олишдан кўра самаралироқ бўлади.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РОССИЯГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ ТУЗМОҚЧИ (2)

ва Туркия) охири “барибир ички таҳлика омиллари билан ҳамкорлик йўлларини излаяжак”.

“Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ва Афғонистон ҳаммаси мамлакатимиз ичкарасидagi кўпоровчи кучларни – диний-экстремистик ва сиёсий муҳолифат гуруҳларини – излаяжак. Туркия эса аллақачон Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига ёрдам берапти. Шунинг учун, бу гуруҳларни ҳам мамлакат ичкарасида, ҳам ташқарисидa ичдан бузиш ишларини фаоллаштириш керак” деди И.Каримов. У ИИБ ва МХХни “мазкур олти давлатга чиқиш-кириш каналларига алоҳида эътибор қаратишга, диндор аҳоли орасида, сиёсий муҳолифат ва тарафдорлари орасида, аҳоли зич жойлашган минтақалар, айниқса Фарғона водийсидagi оператив вазиятнинг ўзгаришини назорат қилиб бориш”га чақирди. Шунинг учун, Россияга, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ва Афғонистон ва Туркияга чиқаётган ҳамда бу мамлакатлардан Ўзбекистонга келаётган ўзбек фуқаролари Каримов махсус хизматлари ҳамда кучишларат тизимларининг алоҳида текширув ва кузатуви остида бўлади.

И.Каримов кучишларат тизимларга ўзбек муҳолифатини, айниқса ёш муҳолиф коалиция – Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)ни ичдан бузиш ва парчалаш вазифасини топширди. “Энди анави Солих ўз агрофига Андижон ва Ўшдан қочиб борганларни тўплаган. Пулни қаёқдан олапти ўзи, Рустам ака?” [МХХ раиси Рустам Иноятовга мурожаат – У.Х.]. Қайси давлатлар уни дастаклаяпти: Туркияни, Россияни, Қозоғистонни ё Тожикистонни? Мана сизга топширик – шунга аниқлаб, ЎХХнинг молия каналини ёпинглар!” дея талаб қилди МХХ раисидан ўзбек диктатори.

Бунга жавобан Рустам Иноятов, МХХ Мухаммад Солих шахсиятини ва у бошқараётган ЎХХни обрўсизлаштириш бўйича иш олиб бораётганини айтди. “Бунинг учун биз олдин йўлга қўйилган каналлардан фойдаланаямиз” деди у. Сўнгра И.Каримов ва Р.Иноятов ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

И. Каримов: «Қанақа олдин йўлга қўйилган каналлар?»

Р. Иноятов: «Ислом Абдуганиевич, ўзингиз биласиз-ку. Мен уларни номма-ном атаб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак, деб

шини бутун интернет биладику! Улар аллақачон ўтмишга айланган. Уларга ҳеч ким ишонмайди. Янги каналлар топиш керак».
Р. Иноятов: «Хўп бўлади, Ислом Абдуганиевич».

Ўз нутқида Ислом Каримов Мухаммад Солихни обрўсизлантиришда “кўпроқ унинг исломчи дунёқараш ва яшаш тарзига ургу бериш”ни сўради. “Сизнинг ҳуқуқ химоячиларингиз, журналистларингиз Солихнинг айнан мана шу жиҳатини бўрттириши лозим. Унинг исми маҳаллий ва хорижий жамоатчилик наздида фақат ислом экстремизми ва терроризм билан боғлиқ бўлишига эришиш керак” дея мурожаат қилди И.Каримов МХХ раисига. Шундай экан, мабодо яқин келажакда Ўзбекистон ичкараси ва ташқарисидagi баъзи “муҳолифлар” Солихга қарши чиқишларини янгидан кучайтиргудай бўлса, бунга ажабланмаслик керак. Агар ўзбек муҳолифлари, ҳуқуқбонлари ва журналистлари орасидан Мухаммад Солих ва ЎХХни айбловчи янги одамлар чиқса, бу ҳам янгилик бўлмаслиги лозим.

Ўз чиқишида И.Каримов бир неча бор ЎХХни молиялаштириш масаласига тўхтаб ўтди, ва у (ЎХХ) расмий Москва ё Анкара тарафидан молияланишини гумон қилишини айтиб ўтди. “Агар Россия ё Туркия эмасса, унда ким?! Агар Россия ЎХХни ҳозир молияламаётган бўлса, яқинда қўллашни бошлайди. Мен бунга юз фоиз аминман. ФСБдаги шоғирдларингиз орқали аниқлангчи, Лилипутин [Россия президенти В. Путин – У.Х.] одамлари Солихга чиқишганми йўқми” – деди И.Каримов МХХ раисига қарата. Бундан ташқари, И.Каримов ўз паранойясига содиқ ҳолда, Мухаммад Солих ва ЎХХни Чех Республикаси молиялаштираётганидан гумон қилди. “Бундай эмасса, нимага чехлар ЎХХ курулотини Прагада ўтказишга руҳсат беришди?” – Рустам Иноятовнинг Чехия ЎХХни молиялаштирмайпти деган жавобига савол билан жавоб берди И.Каримов

Ислом Каримовнинг 2012 йил 2 октябр кунги нутқидан шу нарса маълум бўлдики, у мамлакат ичкарасида энг кўпроқ ЎХХдан хавфсирайди, айнан ўша гуруҳни Президент ҳукуматига хавф солаётган ягона муҳолиф деб билади. Ўзининг давомли ва зерикарли маърузасида Каримов бошқа бирорта муҳолиф гуруҳни тилга олмади. Шун-

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

Ошқозон ва ичакларда газ ҳосил бўлиши

Аралаш, яхши чайналмаган, бир-бирига зид таомлар, табиатга уйғун келмаган ёки аввалроқ ейилган таом ҳазм бўлмасдан ейилган емаклар ёки таомдан кейин ейилган мевалар ошқозонда чириydi, нагигада, ошқозон ва ичакларда газ ҳосил бўлади (ошқозон ва ичаклар дам бўлади).

Оддий ҳолларда газни олдини олиш учун:

Эрталаб оч қоринга сув, сабзавот ёки мева суви ичилиши,

Овқатланишлар орасида камида 6-8 соатлик танаффуслар бўлиши,

Мева, сабзавот, кўкат ва таомларлардан фақат газ чиқармайдиганларини ейиши,

Ўз табиатига (мизожига) мос келмаган таомларни емаслик керак.

Шу билан биргаликда газ ва катта ҳожатни узоқ вақт ушлаб туриш ич қотишига ва тез қаришга сабаб бўлишини унутмаслик керак.

Газни бемалол чиқариш учун тиззалаб ўтириш керак. Бу ҳолат катта ҳожатнинг ҳам қулай чиқишини таъминлайди.

Тиззалаб ўтириш хусусан қизлар ва аёллар учун фойдали, уларнинг қулай туғишларини таъминлайди. Қадимдан аёллар барча ишларини чўккалаб ўтириб қилишарди, уларнинг туғишлари ҳам муаммосиз бўлар эди.

Музлатилган меваларда ҳосил бўлган кимёвий ўзгаришлар мевани бузади ва ичакларда кўп газ пайдо бўлишига сабаб бўлади. Қовун янги бўлмаса, у ҳам айни муаммони келтиради.

Мавсумидан бошқа пайтда ейилган табиий қуритилган мева музлатгичда сақланган мевадан соғломроқдир.

Газ чиқишини олдини олувчи ва газ чиқарувчи энг кучли дорилар:

Қоразира, арпабодиён уруғи ва ўти, фенхель уруғи ва ўти, шивит ва уруғи, кардамон (хил), жамбул ва занжабил. Бу қоразираворлар майдаланиб, алоҳида-алоҳида ёки аралаш ҳолда таомларнинг устига сепилиб ёки чой қилиб ичилади.

2 ҳафта давомида ҳар куни эрталаб 5 гр исирик уруғи сув билан ичилса, газ ҳосил бўлишининг олдини олади.

30 гр. ҳлол (тилла) ва 30 гр занжабил майдаланиб, тўғралади, 10 гр чиннигул қўшилади ва бир литр сувда 10 соат намланади, кейин паст оловда 5 дақиқа қайнатилади ва совуганидан сўнг сузилади.

Ҳар куни оч қоринга 30-50 граммдан 2-3 марта ичилади. Асал билан ширинлаштириш мумкин. Бу муолажа 2 ҳафта давомида қилинади.

Бироқ табиатига мос келмаган, аралаш, тайёр ва қўшимчали таом ейдиган кишилар, таомдан кейин мева ейдиганлар ва овқатларни қисқа ораликларда ейдиганлар газ ҳосил бўлишидан асло қутула олмайдилар.

Ич кетиши

Ҳар ич кетишидан кўрқиб керак

эмас ва уни тез тўхтатишга шошилмаслик керак.

Ошқозон, ичак, жигар, талоқ ва мия касалликларидан келиб чиққанидек, кўп ёки айниган таом ва ичимликлар истеъмол қилиш сабабли келиб чиққан ич кетиши тананинг зарарли моддалардан тозаланишига сабаб бўлади.

Ичи кетганлар учун ҳаммом, уйку ва очликдан яхшироқ дори йўқ.

Ич кетганда, биринчи қилинадиган иш - 3 кунлик очликка ниёт қилиш ва ҳаммомга тушишдир. Ҳаммомдан кейин зайтун ёғи (жамбул ёғини ҳам қўша бўлади) билан умумий массаж қилингандан кейин ётиш ва кўп ухлаш керак.

Касал учун энг фойдалиси 3 кунлик очлик давомида ҳеч нарса ичмасликдир. Жуда чанқаб кетса, ич кетишини тўхтатидиган совутилган ёмғир суви ёки замзам сувига ёки музлатиб, эритилган сувга табиий сирка ёки лимон сувини аралаштириб, кичик ҳўпламлар билан ичиш мумкин.

Сувнинг совуқ бўлишига диққат қилиш керак! Чунки иссиқ ва илиқ сув ич кетишини кучайтираши мумкин.

Оддий ич кетишларида бутунлай яхшиланиш учун фақат 2-3 кун оч қолиш, кейин озикланишни тузатиш етарли бўлиши мумкин.

Агар ич кетиши сурункали касалликлар ёки ўткир инфекциялар билан боғлиқ бўлса, даволанишни давом эттириш керак.

3 кун сўнгра қуйидаги мева сабзавот сувларинининг аралашмаларига ўтилади.

Мавсумига кўра, қай бири мумкин бўлса, сув билан аралаштирилади ва 3 кун давомида кечгача кичик ютумлар билан хоҳлаганча ичилади:

Хом узум (яшил), кўк (хом) тут, нордон-ширин олма, олча, лимон ёки анор суви,

Уруғлари билан бирга сиқилган тарвуз суви,

Сабзи + олма суви аралашмаси, Сабзи + янги сиқилган занжабил суви аралашмаси,

Петрушка ёки селдир барги суви + исмалок суви аралашмаси,

Петрушка ёки селдир барги суви + семизўти суви аралашмаси,

Қоразира билан қайнатилиб, совутилган қатик суви.

Булар ошқозон ва ичаклардан бегона микробларни чиқариб, фойдали микробларнинг кўпайишини таъминлайди; ошқозон ва ичакларни қувватлантириб, яраларни ёпади.

Ҳар куни кечкурун саримсоқли зайтун ёғи лимон суви билан аралаштириб ичилади.

Бу муолажа 3 кун давомида қилинади.

Огоҳлантириш: занжабил, петрушка ва селдир баргининг суви кунига фақатгина 1 ош қошиқ ишлатилади.

3 кундан кейин яна 3 кун давомида қуйидаги пархез бошланади:

Эрталаб: асал шарбати ичилади.

Унга олма суви ёки арпа суви қўшилса

бўлади. Ёки анжир, узум ёки тарвуз еса бўлади. Қиш фасли бўлса, 1-2 ош қошиқ янги қовурилиб, майдаланган зигир уруғи + 1 чой қошиқ янги майдаланган қичитқи ўти уруғи + 1/4 чой қошиқ майдаланган занжабил + 1 ош қошиқ асал + хоҳланса, майдаланган саримсоқ аралаштирилиб, ейилади. Кўк чой ичилади.

Тушлик: ёғсиз қовурилган гуруч тоғ тузи қўшилиб қайнатилади, кейин қатик суви қўшилади ва яна қайнатилади. Ялпиз, қоразира, занжабил ва заъфарон қўшилади, совуганидан кейин ичилади.

Ёки: Қовурилган гуруч, чиннигул, занжабил ва қоразира билан қўй оёқлари солинган (қайнатилган) шўрва пиширилади.

Асрда: Юқорида айтилган ҳар қандай мева ёки сабзавот суви ичилади ёки тарвуз, анжир ёки узум ейилади.

Кечкурун: Мойчечак, жамбул ёки розмарин чойи асал билан ичилади.

Ёки: 2 микдор занжабил + 2 микдор чиннигул + 1 микдор долчин аралаштирилади. Бу аралашмадан 1 чой қошиқ 1 пиёла қайноқ сув билан 15 дақиқа дамланганидан кейин ичилади.

Уйқудан аввал саримсоқли зайтунёғи + лимон суви ичилади.

3 кун бу тарзда озикланилади. Беморнинг иштаҳаси бўлмаса, “фойдали бўлсин” деб беморни ейиш - ичишга зўрламаслик керак, иштаҳасига кўра еб ичишига имкон бериш керак.

Муолажани бошлагандан 4 кундан кейин ҳам ич кетиши давом этаётган бўлса:

1 чой қошиқ майдаланган анор пўсти бир стакан сув билан 5 дақиқа қайнатилади. 10-15 дақиқа дамланганидан кейин иккига бўлинади ва асал аралаштириб, тушликкача 2 марта ичилади. Керак бўлса, тушдан кейин ҳам такрорланади.

Ич кетишига қарши анор пўсти ўрнига янги чиққан ёнғоқ (грек ёнғоғи) барглари ёки ёнғоқнинг ич пардалари айни тарзда ишлатилади. Анор пўсти ва ёнғоқ пардалари ич кетишини тўхтатувчи кучли дорилар ҳисобланишади. Шу сабабдан бу дорилар ич қотишини келтириб чиқармаслиги учун, ич кетиши тўхтатгач, уларни истеъмол қилишни дарров бекор қилиш керак.

Ёки: Қовурилиб, майдаланган 1 ош қошиқ гуруч ёки арпа 500 гр. сув билан аралаштирилади, 1 ош қошиқ майдаланган анор уруғлари + 1 ош қошиқ майдаланган анор пўсти қўшилиб қайнатилади. 4 га бўлиб, кунига 4 марта ичилади ёки бу аралашма (га 700 гр. сув илова қилиниб,) билан клизма қилинади. Бу дори ич кетишини тўхтатади, ошқозон ва ичак яраларини ёпади.

Ич кетиши тўхтаганидан кейин бемор ҳар куни эрталаб асал шарбати, сабзавот ёки мева суви ичишга ва пишган таомларни кунига бир мартадан кўп емасликка одатланиши керак.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бу 9 кунлик даволаниш билан конди ич кетиши билан бирга ич кетишига сабаб бўлган турли касалликлар ҳам енгиллашади. Бу муолажа ошқозон ва ичакларда қонаган яраларни ҳам ёпади.

Турли ич кетишларни қисқа вақтда тўхтатадиган дорилар:

Қайнатилиб қуюқлаштирилган ёввойи семизўти суви, хом тут суви, хом кўк (хом) узум суви ёки беҳи суви ичиш,

Эчки сути ичиш,

Ковуриб майдаланган арпабодиён, баргизуб ёки семизўти уруғини сув билан ичиш.

Бундан ташқари, қорин устига бир неча маротаба банка қўйиш ва ҳар сафар 15 дақиқа кутиш ҳам ич кетишини тўхтатади.

Ошқозон рефлюзи

Ошқозондаги овқатнинг қизилўнғачга (таом қувурига) қайтиб келишини тўсадиган механизмнинг (копқокнинг) кучсизланиши сабабли овқатнинг қизилўнғачга қайтишига “ошқозон рефлюзи” дейилади.

Агар ўн икки бармоқли ичаклардан ошқозонга қараб сафро кўтарилса, ошқозон қувурига чиққан овқатда ҳам кислота, ҳам сафро бўлади.

Сафро (ўт) ҳам ошқозон кислотаси каби қизилўнғачнинг (таом қувурининг) бузилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат умуман ошқозон чурраси (грижаси) билан бирга юз беради. Ошқозон чуррасининг (грижасининг) белгилари (симптомлари) рефлюз белгиларига (симптомларига) шунчалик ўхшайди-ки, уларни бир-биридан ажратиш жуда қийин.

Рефлюз белгилари (симптомлари): Ошқозонда ҳазмсизлик, ачиш, қизиш ва газ (қориннинг дам бўлиши); Ишиш, кекириш ва оғиз хидланиши;

Сув, таом қолдиқлари ёки сафронинг (ўтнинг) ёки буларнинг барчаси биргаликда оғизга келиши;

Тўқ қоринга ётганда кечалари безовта қиладиган кекириш ва кўп миқдорда газ (қориннинг дам бўлиши); Кечалари йўтал, уйғонганда овознинг бўғилиши ва томоқдаги оғриқлар.

Бу ҳолатлар чалқанча ва юзтубан ётганда яна ҳам кўпайиши мумкин.


Ҳазмсизлик давом этса:

Ошқозон ва ичаклардаги газдан ташкил топган шишкилик юракка босим ўтказиши натижасида юрак уриши ва қон айланишида ҳам бузилишлар юзага келади.

Ошқозондаги овқатнинг тез-тез қизилўнғачга (таом қувурига) кетиши натижасида сурункали фарангит, синузит ва аллергия астма ҳосил бўлади.

Овоз найчаларининг бузилиши ва қалинлашиши овознинг пасайишини, сурункали йўтални ва тиш чиришини келтириб чиқаради.

Ортиқча тўлдирилган ва ичида озукаларнинг узун муддат туриб



қолиши ва чириши натижасида газ билан шишган ошқозон девори яллиғланишга, ошқозон мускуллари заифлашишга ва ишдан чиқишга, ёпиш механизми бузилишга бошлайди.

Ошқозонни ортиқча тўлиб, тез-тез ва ортиқча таом ейиш, шишуви, тўқ қоринга жинсий муносабат ва оғир жисмоний машқлар, қорин ичидаги босимни ортириб, диафрагма мускулининг ҳолсизланишига, рефлюзга ва чурралашишига олиб келади. Ҳозирда ўсмирларнинг тахминан 25% ида ошқозон рефлюзи кузатишмоқда.

Бунга қўшимча равишда:

Ҳомиладорлик пайти жигардан ошқозонга юборилган ва қусиш билан ташқарига чиққан токсинлар қизилўнғач (таом қувури) остидаги мускулларни таъсирлантириб, заифлаштиради.

Кексаларда рефлюз ва ошқозон чуррасининг (грижасининг) ҳосил бўлиши тўқималарнинг заифлашиши ва эгилювчанлигини (эластиклигини) йўқотиши билан ҳосил бўлади.

Ошқозон яраси

Ошқозон яраси ўзи алоҳида ёки рефлюз ва чурра (грижа) билан бирга кузатилади. Касаллик бошланишида ошқозон ачиши ва оғирлик ҳисси, оғизга аччик сув келиши, тилнинг увилиши, қорин уст қисми босилганида оғриқ ҳис қилиши, таомдан 2-3 соат кейин қуракнинг пастки қисмлари орасида кучли оғриқлари кузатилади.

Қусиш билан қон келиши ёки қатта ҳожатнинг қаҳваранг (жигарранг) бўлиши, яранинг ривожланганлигини кўрсатади. Ошқозон рефлюзи, гастрит ва ошқозон ярасининг сабаблари бир хил бўлгани учун давоси ҳам бир хил.

Давоси Бир ҳафта давомида ҳар кун эрталаб 30-50 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30-50 гр лимон суви аралашмаси ичилади (“Дорилар” бўлимига қаранг.)

Кун давомида очикқанда хоҳлаган миқдорда сабзавот суви аралашмалари (5-8 марта) ичилади.

Ҳар кун кечқурун уйқудан аввал бир ош қошиқ янги сиқилган занжабил суви кичик ютумлар билан ичилади.

Хошишга ва мавсумига кўра қуйидаги аралашмалардан бири ёки бир нечаси ичилади:

50 гр пиёз суви + 150 гр янги сиқилган кичитки ўти суви + 50 гр сув аралашмаси, 150 гр сабзи суви + 1 ош қошиқ петрушка суви + 1 ош қошиқ селдир барги суви + сув аралашмаси,

100 гр сабзи суви + 100 гр олма суви + 50 гр сув аралашмаси,

150 гр исмамоқ суви + 50 гр қизил лавлаги суви + 1 ош қошиқ петрушка суви + 1 ош қошиқ селдир барги суви + сув аралашмаси,

200 гр семизўти суви + 1 ош қошиқ петрушка суви + сув аралашмаси,

50 гр пиёз суви + 150 гр картошка суви + 1 ош қошиқ петрушка суви + сув аралашмаси.

Кун давомида

Май мойчегаги, оддий бўйимодарон, розмарин, далачой, жамбул ёки қуруқ занжабил майдамайда қилиб тўғралганидан кейин 1 чой қошиқ олинади, бир стакан қайноқ сув билан 15 дақиқа дамланганидан кейин сузилади. Шу тарзда дамланган янги чой совутилмасдан кун давомида 3 марта ичилади.

Сиқиштирувчи-буриштирувчи таъсирга эга бўлган анор уруғи ва ич пардалари туйилиб, элакдан ўтказилади ва эрталаб-кечқурун сув билан 1 чой қошиқ ичилади ёки анор уруғи билан пиширилган, шўрва ичилади.

Ёки: Эман пўсти ва меваси ҳам рефлюз, чурра ва ошқозон кенгайишига қарши қўлланилади. Бир чой қошиқ майдаланган ёки туйилган эман пўсти бир пиёла қайноқ сув билан аралаштирилиб, 15-20 дақиқа дамланади ва сузилади. Кун давомида 3 стакан янги дамланган чой совутилмасдан ичилади, 1 чой қошиқ майдаланган янги эман меваси эрталаб-кечқурун сув билан ичилади.

Кечқурун ётаётганда беморлар чалқанча ётиб, гавдаларининг уст қисмини баланд қилиб ётишлари керак. Ётишдан 2-3 соат аввал ва 21.00дан кейин ҳеч нарса емасликлари керак.

Бир ҳафта ўтгандан кейин ошқозон ва ичакларининг умумий давосига ўтилади.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Муस्ताкил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош